O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 25 октябрь, № 208 (4107) Чоршанба

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

Шу кунларда бутун Ўзбекистоннинг нигоҳи Қарши шаҳрига қаратилган. Олтин куз ўз жамолини борлиққа кўз-кўз қилган, бободеҳқон тўкин ҳосилини эл дастурхонига армуғон этган шу паллада Қаршининг 2700 йиллиги нишонланмоқда.

Бир қарашда бу байрам бир кунда ўтиб кетади. Лекин халқона айтганда, тўйнинг «бўлди-бўлди»си қизиқ. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигидаги ижодкорлар гуруҳи ушбу тантанага тайёргарлик жараёнида Қарши шаҳрига етиб келишди. Улкан шодиёнага ҳозирланаётган шаҳарга уларнинг нигоҳи орқали назар ташлаймиз.

ЎТДИ АСРЛАРНИНГ КАРВОНИ БУНДАН

Ифтихор тимсоли

Эллик йилда эл ўзгаради, қирқ йилда бир йигит камолга етади, деган абадий ҳақиқат бор. Лекин замон оқими, давр равиши, инсон иродаси бу ҳақиқатга ҳам жиддий таҳрирлар киритиши мумкин экан. Буюк Мустақиллигимиз 15 йиллиги буни очиқ-ойдин кўрсатди. Бутун Ўзбекистонимиз, унинг бағридаги неча-неча, қадимий улуғвор шаҳарлару сўлим қишлоқларимизнинг бугунги қиёфаси фавқулодда бир юксаклик ва улуғворлик билан бу олижаноб ҳақиқатни яна бир бор намойиш этмоқда.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик қутлуғ ёши умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам — ана шу катта ҳақиқатнинг ёрқин бир кўринишидир. Бугунги Қаршини чиндан-да таниб бўлмайди. Юқорида зикр этилган машҳур ибораларга таҳрир киргизиб: эллигу қирқ йил эмас, ўн беш йилда катта шаҳарларни ҳам тамомила ўзгартириб, яшартириб юбориш мумкинлигини баралла айтиш мумкин.

Ҳурматли Президентимизнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини ўтказиш ҳақидаги қарорлари замирида катта маънолар борлигини халқимиз чуқур ҳис этди. Бу улуғ тадбир — фақат Қаршининггина эмас, балки буткул тарихимизнинг — халқимиз, диёримизнинг буюк ўтмишини нишонлаш, намоён этиш орқали, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини яна бир бор таъкидлаш, юртдошларимизда, айниқса ёшларимизда буюк миллий ғурур туйғусини, ўз ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти билан фахрланишдек бебаҳо туйғуни яна бир бор намойиш этиш бўлди.

Яхши биламизки, бундай олижаноб тадбирлар замирида жуда катта фалсафа, узоқни кўзлаган интилишлар силсиласи мужассам бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, Қарши тўйи — бутун ўзбек халқининг, ғояларимиз забардастлигининг, мамлакатимиз буюк келажагининг байрами ҳамдир. Насаф, Нахшаб, Қарши номи билан оламаро машҳур бўлган буюк ва бетакрор манзилу масканимиз — нақадар катта ифтихор манбаи эканлигини бугун аниқ кўриб турибмиз.

Ҳар бир қаричи тарих

Шу олий мақсадни кўзлаб, сўнгги йиллар ичида амалга оширилган ишлар кўламини кўриб, ҳар қандай дунё кўрган одам ҳам ҳайрат ёқасини ушлайди. Ҳақиқатдан ҳам, мўъжиза рўй берганини ўз кўзингиз билан кўрасиз, қалбу тафаккурингиз билан ҳис этасиз, биласиз. Бу ерда халқимизнинг мислсиз бунёдкорлик қудратини, маънавий дунёсининг яратувчилик миқёсини кўрсатувчи гўзал, беқиёс манзаралар кўнгилни тоғдек кўтаради. «Бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлган одам қурган иморатларимизни келиб кўрсин» деган улуғ Соҳибқиронимиз сўзларини ҳозирги кунимизга қиёслаб, ким мустақил Ўзбекистоннинг буюк муваффақиятларини бутун кўлами билан кўрмоқчи бўлса, бугунги мислсиз улуғвор Қаршимизни бир келиб кўрсин, деб дадил айтаоламиз.

Ҳа, даврлар ўтиши билан ҳар бир замоннинг ўз анъаналари пайдо бўла бошлар экан. Улуғ аждодларимиз, қадимий шаҳарларимиз саналарини нишонлаш ана шундай янги давр — яъни Мустақиллик йилларида янги удумга айланди десак, янглишмаймиз.

Шу сатрларнинг муаллифларидан бири хориж сафаридан қайтаётганида минтақамизда яшовчи халқларнинг бир вакили билан суҳбатлашибди. Гапдан гап чиқиб у «Ҳар йили каттакатта байрамлар қиласизлар аттанг, бизда бундай гаплар йўқ» дебди. Шоиримиз уни юпатиб «Бунга сен айбдор эмассан. Улуғ шаҳарларинг, буюк боболаринг йўқ экан. Ўзингнинг туғилган кунингни нишонлайвер» дебди. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич тупроғи тарихдан сўзлайди. Ҳар гузарда бир авлиё ўтган.



Қашқадарё кўприги. XVI аср ва XX аср боши.

Биргина Хоразм воҳаси, Қорақалпоқ диёридаги беҳисоб қалъалар харобаларида ўтов қуриб, илмий-тадқиқот олиб бораётган хорижлик олимлар қанчаданқанча. Албатта, бу обидалар бизгача ҳам мавжуд эди. Лекин уларга эътибор бўлган эмас. Истиқлолимиз шарофати-ю Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, достон бўлғулиқ ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Албатта, қадимий шаҳарнинг кўҳна тарихидан кўпчилик хабардор. Қарши шаҳрида кўпгина ёдгорликлар қайтадан таъмирланди, ўз аслига келтирилди.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу айёмда Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан бундай қутлуғ айёмни мусулмонларга такрор насиб қилишини, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг саховатли халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,
Кувайт Давлати Амири

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон байрами муносабати билан Жазоир халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриклар йўллаш менга мамнуният бағишлайди.

Қодир Аллоҳдан Рамазон ойида қилган дуои ибодатларимизни қабул қилишини, дўст халқингиз ва барча мусулмонларга барака ато этиб, ўзининг хайр-саховатларини инъом этган ҳолда, бундай саодатли дамларни биз учун такрор ва такрор насиб этишини сўрайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бениҳоя мамнунман.

Аллоҳ таолодан ушбу саодатли онларда Сизга сиҳат-саломатлик, муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига мустаҳкам тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик, мусулмон халқларининг ўзаро алоқаларига ривож ато этишини сўраб қоламан.

Иажуддин АҲМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Инсон ички гўзаллиги ва улуғворлигининг юксалиши байрами бўлмиш улуғ Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон халқини чин юракдан табриклайман.

Илоҳий зиёфат ойи поёнига етиши билан мусулмонларнинг янада ривожланиши, ҳамжиҳатлик ришталарининг бундан-да мустаҳкамланиши, ислом маърифатига асосланган ҳолда тинчлик, барқарорлик ва адолатни ёйиш учун олдингидан-да каттароқ замин яратамиз, деб умид қиламан.

Тангри таолодан Сизга муваффақият, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ҳамда барча мусулмонларга фаровонлик тилаб қоламан.

Маҳмуд АҲМАДИНЕЖОД,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ушбу қутлуғ айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг эзгу тилак ва самимий табрикларимни йўллайман.

Аллоҳ таолодан Рамазон ҳайити барча мусулмонларга тинчлик ва тараққиёт олиб келишини сўрайман.

Сизга сиҳат-саломатлик ва дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаган ҳолда, ўзимнинг эзгу тилакларимни яна бир бор изҳор этаман.

Ҳомед КАРЗАЙ,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини самимий табриклайман.

Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Яна бир бор энг эзгу ниятларимни қабул қилгайсиз.

Ахмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти

Сайёр йиғилиш

Минтақавий муаммоларга бағишланди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг қўшма сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

У «Оролбўйи минтақасининг бугунги куни ва истиқболи: муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари» мавзуига бағишланди. Семинарда қайд қилинганидек, Оролбўйи минтақасида юзага келган мураккаб экологик вазиятни юмшатиш юзасидан мамлакат раҳбарияти, шунингдек, ноҳукумат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2005 йили денгиз бўсағасига 28 миллиард кубометр оқар сув бориб тушди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич деярли 10 миллиард кубометрни ташкил этди. Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, денгизнинг қуриб қолган қисмида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Бюджет лойиҳаси — муҳокамада

Кеча қуйи палата Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарди.

Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган ушбу йиғилишда битта масала — Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.

Йиғилишда молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафхонов сўзга чиқиб, давлат бюджетининг жорий йил ўтган давридаги ижроси ва келгуси йил бўйича режалар параметри ҳақида маълумот берди. Таъкидландики, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши натижасида жорий йилда бюджет профицит билан бажарилиши кутилмоқда.

2007 йилда эса давлат бюджети даромадлари 7 триллион 543 миллиард сўм, харажатлар 7 триллион 776 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Харажатларнинг катта қисми ижтимоий соҳага йўналтирилади. Масалан, халқ таълимига келгуси йилда 1 триллион 739 миллиард сўм ажратилади (жорий йилда 1 триллион 309 миллиард). Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга шу йилги 501 миллиард сўм ўрнига, 2007 йилда 633 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

С.ДОНИЁРОВ.

Халқаро кўргазма-савдо

ҲАММАСИ — ТАДБИРКОР УЧУН

Бозорда маҳсулот сероблигидан расталарга сиғмайди. Помидор олмоқчи бўлиб сотувчидан нархини сўрагандим, "3 килоси 100 сўм" деган жавобни олдим.

— Мана буниси-чи?— дея яшикдаги сал уринганроқ помидорни кўрсатдим.

— Керак бўлса, олаверинг, текин, — деди деҳқон ийманибгина.

Бу — шу йилнинг эрта кузидаги гап.

Энди ўйлаб кўринг: деҳқон-ку помидорни бир-икки сотих томорқасида етиштирган бўлиши мумкин. Аммо гектарлаб майдонларда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштираётган миришкорларнинг аҳволи арзончилик кезларида не кечади? Агар улар йил бошидан бирор-бир қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузган бўлсалар хўп-хўп, акс ҳолда, маҳсулотини сув текинга сотишдан бошқа иложини тополмаслиги аниқ.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамда комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек, зарур экспорт базасини яратишнинг амалий чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айниқса, бу борада Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этди.

Шу йил 21 октябрда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да иш бошлаган "Uzbekistan Agrominitech Expo-2006" халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси, айтиш мумкинки,ушбу Қарор талабларини бажариш юзасидан қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Унда жаҳонда мини технология ва ихчам ускуналар ишлаб чиқаришда етакчи ўринларни банд этувчи Германия, Франция, Исроил, Польша, Хитой, Россия, Туркия каби 25 мамлакатдан 200 га яқин компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Бу павильонлар унинг иштирокчиларига бепул берилгани ҳамда мамлакатимизга мини технологиялар олиб кираётган компаниялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек, уларни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга сотишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилганлигининг самарасидир, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, кўргазма павильонларини айланар экансиз, ундаги экспонатлар ранг-баранглиги диққатингизни тортади. Хусусан, озиқ-овқат ва сут маҳсулотлари, ун, омихта ем, мева ва узум, қоракўл териларни қайта ишлаш мини технологиялари ва кимёвий воситалар, ўраш-қадоқлаш жиҳозлари, иссиқхона хўжалиги тармоғида фойдаланиладиган замонавий ускуналар қулайлиги ва тежамкорлиги билан ажралиб туради.

— Сут ва гўштни қайта ишлаб ундан кўплаб маҳсулотлар тайёрлаймиз, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов. — Тўғрисини айтсам, кўргазмада намойиш этилаётган мини технологияларга ҳавасим келди. Сабаби, авваллари уларни хориждан минг азоб билан, устига устак, воситачилар қўйган устама нархларда сотиб олардик. Қаранг, илғор ускуна ва жиҳозларни эшигингизнинг тагига келтириб беришса, ишлаб чиқарувчи билан тўғридан-тўғри олди-сотди шартномасини тузсангиз, энг муҳими, танлаш имконияти кенг бўлса, булар биз учун айни муддао эмасми?

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма-савдога мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиги раҳбарлари ёки уларнинг вакиллари ҳам таклиф қилинган. Улар тадбир давомида мини технологиялар ва ускуналар билан танишибгина қолмасдан, балки уларнинг ишлаш механизмлари хусусида хорижий компаниялар етакчи мутахассисларининг маърузаларини тинглайдилар, тадбиркорлик ва фермер хўжаликларини иқтисодий ривожлантириш борасидаги жаҳон тажрибаси, банк ва лизинг хизматига оид тавсиялар билан танишадилар.

"Uzbekistan Agrominitech Expo-2006" халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси 11 ноябрга қадар давом этади. Шундан кейин эса ушбу йўналишда доимий равишда фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдони ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бизнинг суҳбат

Мамлакатимизда Рамазон ҳайити умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Халқимиз бу айёмни ажойиб ютуқлар ва хурсандчилик билан қарши олди. Муборак айём шукуҳи давом этаётган шу кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов билан суҳбатлашдик.

ЭЗГУ АМАЛЛАР АЙЁМИ

Усмонхон Алимов 1950 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тамомлаб, қишлоқ хўжалигида ишчи бўлиб хизмат қилган.

1982 йилда Бухородаги "Мир-Араб" мадрасасини, 1987 йилда Тошкентдаги Ислом институтини битирган. 1989-1990 йилларда Марокашда таҳсил олган.

Фаолиятини 1978 йилда Имом Бухорий масжидида ноибликдан бошлаган. Кейинчалик шу масжидда имом-хатиб, 2000 йилдан Самарқанд вилояти бош имом-хатиби бўлиб хизмат қилган.

— Муҳтарам муфтий ҳазратлари! Авваламбор Сизни Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этамиз.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Самимий табригингиз учун раҳмат. Шу билан бирга мен ҳам юртимиз мусулмонларини улуғ айём — Ийди рамазон билан қутлайман. Ушбу муборак кунларда Аллоҳ таолодан халқимизга тинчлик, дастурхонларимизга қут-барака ва раҳмат сўрайман.

— Халқимиз Сизни Имом Бухорий мақбара мажмуасидаги самарали фаолиятингиз орқали яхши танийди ва қадрлайди. Ушбу азиз масканда кўп йиллар ишлаган инсон сифатида у ердаги ўзгаришлар ҳақида тўхталсангиз.

— Бу улуғ манзилни болалигимдан биламан. Худога шукрки, бугунги обод ҳолатини ҳам кўриш насиб этди.

Аввалари бу жой анча эътибордан йироқ эди. Иморат ниҳоятда кўримсиз, зиёратчилар сони ҳам камчиликни ташкил этарди. Ҳатто, шароитнинг қийинлигидан қабристон деворидан ошиб зиёрат қилганлар ҳам бўлган.

Мақбаранинг бугунги чиройи ва шароитини таърифлаш шарт эмас, менимча. Президентимизнинг ташаббуслари билан зиёратгоҳ нафақат обод қадамжо, балки катта мажмуага айлантирилди. Бу ердаги ўзгаришларнинг натижасини маҳаллий аҳолининг кайфиятидан, зиёратчиларнинг кўплигидан ҳам билиш мумкин. Энди ликда ушбу хайрли ишлардан халқимиз ва бутун дунё мусулмонлари мамнун бўлдилар.

Келинг, бу ишларнинг қанчалик савобли ва улуғ эканлиги ҳақида бир мисол келтирай. Биласиз, бугунги кунда зиёратгоҳга бутун дунёдан меҳмонлар келишади. Ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этган Саудия Арабистонидаги ўзбеклар оқсоқоли Сафохон тўра Жалолхон ўғли ҳайратини яширолмай, Президентимизнинг қўлларини қаттиқ сиқиб, "Жуда гўзал! Не бахтки, бу жойларни обод қилиш Сизга насиб этди" деганди.

Дарҳақиқат, Имом Бухорий ҳазратларининг вафотидан буён неча асрлар ўтди. Қанча давлат бошлиқлари келиб-кетди. Мақбарани кўркам ҳолатга келтириш эса мустақиллик йилларида амалга ошди. Иншооллоҳ, бунда чуқур мазмун ва хосият бордир!

— Бугун юртимизда диний-маърифий ва маънавий-тарбиявий ишларни янада яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идораси олдида турган вазифалар нималардан иборат?

— Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, истиқлол туфайли эътиқод эркинлигига эришдик. Муқаддас динимизни ривожлантириш, илму иймонимизни камол топтириш учун барча имкониятларга эгамиз.

Шу билан бирга турли экстремистик ғоялар кетидан эргашиб юрган, уларнинг пуч ғояларига алданиб қолган айрим фуқароларнинг борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Уларнинг ножўя қилмишлари муқаддас динимизнинг пок номига доғ туширмоқда. Одамларимизнинг дин кишиларига ҳурмат билан қарашидан фойдаланиб, ўзларини Қуръон ва Суннатга амал қилаётган чин мусулмон қилиб кўрсатадилар. Аслида эса уларнинг мақсади одамларнинг тинчини бузиш, натижада дунёда беқарор вазиятни юзага келтириб, ҳукуматга эга бўлишдир. Хайриятки, бугун уларнинг кирдикорлари ҳаммага маълум бўлиб қолди. Кўпчилик ёшларимиз адашганликларини англаб, тўғри йўлга қайтмоқда. Ўз оилалари бағрида эзгу ишлар билан машғул бўлмоқдалар.

Аммо бу осойишта кунларга етгунча қанча заҳмат чекилганини, Ватанимизни ҳимоя қилиш йўлида қанча фарзандларимиз нобуд бўлганлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Танлаган йўлимизда ҳамиша собит ва огоҳ бўлишимиз лозим.

Мусулмонлар идорасининг асосий вазифаси исломнинг асл моҳиятини жамоатчилигимизга тушунтириш, одамларимизни инсонпарварликка ва эзгу амалларга ундашдир. Биз учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган диний мутахассисларни тайёрлаш ниҳоятда муҳим. Бу борада юртимиздаги диний билим юртларидаги шарт-шароит яхшиланмоқда, улар адабиётлар ва замонавий ўқув қуроллари билан таъминланмоқдалар. Бундан ташқари, имомларимиз малакасини ошириб бориш, талаба ёшларимизни билимдон, жисмонан етук, соғлом эътиқодли ҳамда ватанпарвар қилиб тарбиялаш олдимизда турган энг муҳим вазифалардир.

— АҚидапарастлар ўз фикрларини муқаддас Қуръон оятлари ва пайғамбаримиз ҳадислари билан асосламоқчи бўладилар. Уларни ўз раъйларига буриб талқин қиладилар ва ҳукм чиқарадилар. Аслида фатво беришга уларнинг ҳаққи йўқ. Шундай эмасми?

— Албатта. Фатво қабул қилиш кишидан катта билим ва масъулият талаб қилади. Бунга азалдан шайхлар ва улуғ олимларгина ҳақли саналган. Экстремистик оқим тарафдорлари эса, на диний, на дунёвий илмлар тўғрисида етарли ҳамда тўғри тушунчага эга бўлмаганлари, диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда вазифасини тўғри тасаввур қилмаганлари ҳолда, жоҳил «устозларининг» алаҳсирашга ўхшаган «ғоялар»ини мана шу ислом дини деб, онгсиз ёшларни адаштирмоқчи, уларни жиноят кўчасига бошламоқчи бўладилар. Бу динимиз аҳкомлари ва одобига мутлақо зиддир.

Идорамиз бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширяпти. Хусусан, мусулмонлар идораси фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида масжидлар ва диний таълим, шунингдек, фатво ва нашриёт масалалари бўйича раис ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди. Мазкур бўғинлар орқали динимизни халқ орасида тўғри тарғиб қилиш, ислом маърифатини кенг ёйиш мақсад қилинган. Энг асосийси, муқаддас ислом динимизнинг тинчлик, оқибат, маърифат ва кенг феъллик дини эканини ишонарли далилларга асосланиб, одамларга тушунарли қилиб етказишдир. Ушбу саъй-ҳаракатларимиз, шунингдек, турли бидъат-хурофотларни бартараф этишда, аҳоли ўртасида дин билан боғлиқ айрим маросимларни камайтиришда, турли исрофгарчиликни олдини олишда муҳим омил бўлади.

Фурсати келганда айтиш жоизки, кишиларимиз турли ғоя ва қоидаларга билмай амал қилишларини олдини олиш, ишонарли, асосли ва эзгу фикрларгагина эргашишларини йўлга қўйиш мақсадида идорамизда долзарб фиқҳий масалаларни ўрганувчи махсус бўлим ташкил этилди. Мусулмонларимиз ўзларини қизиқтирган ёки шубҳалантирган саволлари билан ушбу бўлимга мурожаат қилишлари мумкин.

— Муборак Рамазон ойи ниҳоясига етди. Юртимиз мусулмонлари ҳайит байрамини кенг нишонладилар.

— Мағфират ва раҳмат ойи бўлмиш Рамазони шарифда фуқароларимиз рўза тутиш ва ибодатларни тўла-тўкис адо этишга муяссар бўлдилар. Икки мингдан ортиқ масжидларда таровеҳ намозлари ва Қуръон хатмлари ўқилди. Ифторлик маросимларини исрофгарчиликка йўл қўймаган ҳолда ўтказиш, ҳайит байрамларини таъзияхонликка айлантирмаслик борасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Идорамиз тасарруфидаги масжидлар томонидан кам таъминланган оилаларга, меҳрибонлик уйларига, мактаб ва боғчаларга эҳсонлар қилинди. Шунингдек, Рамазон ойи мобайнида минглаб ҳамюртларимиз Умра зиёратларини адо этишга муяссар бўлдилар.

— Бу йилги Ҳаж зиёратига тайёргарлик хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Жорий йилнинг 28 августида мамлакатимиз Президентининг фармони билан Ҳаж ва Умра зиёратларини ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланадиган Жамоатчилик Кенгаши тузилган эди. Унга кўра мубарак сафарга боришни хоҳловчилар орасидан лойиқ кишиларни адолатли танлаб олиш ва уларни зиёратга тайёрлаш тартибга солинди. Идорамиз мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқароларимизнинг Ҳаж ибодатини мукаммал бажара олишлари учун барча шароитларни яратиб бериш устида иш олиб бормоқда. Топширилган аризалар холис ўрганиб чиқилмоқда. Иншооллоҳ, бу йили Ҳаж зиёратига беш минг нафар юртдошимизнинг бориши мўлжалланмоқда. Шу билан бирга келгуси Ҳаж мавсумига аризалар қабул қилиш ҳам давом этмоқда.

— Газетхонларимизга тилакларингизни билдирсангиз.

— Ватанимиз тинч, бунданда обод, халқимиз фаровон, хонадонларимиз янада баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

"Халқ сўзи" мухбири Анвар САМАДОВ суҳбатлашди.

Минтақавий муаммоларга бағишланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

борасида анча чоралар кўрилди. Аммо муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2006 йил 1-2 сентябрь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида алоҳида уқтирганларидек, Оролбўйи минтақасида бажарилиши керак бўлган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Экологик мувозанатни қайта тиклаш биринчи навбатда ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Илгари фойдаланилган сувли майдонлардан 200 минг гектарига энди ҳеч нарса экилмайди. Маданий ҳудудлардан бир қисми чўлга айланиб бормоқда. Семинарда айнан шу масала муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар айтилди. Шунингдек, минтақа ҳудудида сайғоқларни асраб қолиш, балиқчилик тизимидаги бошбошдоқликларни бартараф этиш бўйича ҳам амалий тавсиялар берилди.

Семинар ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари F. Ражабов иштирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎТДИ АСРЛАРНИНГ КАРВОНИ БУНДАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шулардан бири «Одина» масжиди ҳақида икки оғиз сўз. Бу маҳобатли масжидни Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган эканлар. Масжид ёнида сардоба ҳам мавжуд. Унинг шакл-шамойили, ҳақиқатдан ҳам, буюк меъморчилик иқтидоридан дарак бериб турибди. Унинг атрофида қатор масжидлар, мадрасалар қурилиб, қўрғон атрофида қалъа девори барпо этилган. Шу каби белгиларга қараб ҳам боболаримиз салоҳияти, шаҳарнинг қадр-қимматига баҳо бериш мумкин. Ана шу бебаҳо обида шўролар даврида аёвсиз оёқости қилиниб, сардоба кўмилиб, бу мажмуа дахшатли қамоқхонага айлантирилган. Унинг ичига минглаб, балки ўн минглаб юртдошларимиз мудҳиш қийноқларга солиниб, қатл қилинганлар. Ўтган мафкуранинг омонсизлигию ваҳшийлигини, жаҳолатини исботлаш учун биргина «Одина» масжидининг тақдири кифоя қилади, деб ўйлаймиз. Уларнинг қилмишлари бир муштипар онанинг сочларини кесиб, қўлларини нимталаб, кўзларини ўйиб, юзига тиғ тортгандай гап-ку. Қушни ов қилганлар унинг ошёнини ҳам бузганлар. Одина масжиди 70 йилдан ортиқ муддат қамоқхона бўлиб келди. Уни таъмирлаш жараёнида ғишт синиқлари орасидан маҳбусларнинг хатларидан парчалар ҳам чиқиб қолди. Ким билсин, улар орасида Беҳбудий ҳазратларининг дастхатлари ҳам бордир.

Ватанга муҳаббат уни англашдан бошланади

Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Доғистоним» китобида ғалати бир қарғиш тилга олинади. Эмишки, тоғликлар энг ёмон кўрган душманини: «Илоҳим, фарзандларинг тил ўргатадиганларидан, ўзлигидан жудо бўлсин!» деб қарғар эканлар. Албатта, ҳеч бир инсон ўз миллатдошини бундай қарғамайди, назаримизда, улуғ шоир бу билан миллатни миллат сифатида яшаб қолиши учун тил, унинг маънавий ва маданий қадриятлари, ўзлиги қанчалар катта аҳамиятга эга эканлигини таъсирли ибора асосида таъкидламоқчи бўлган.

Ҳа, миллат учун энг оғир кўргилик — уни ўзлигидан жудо қилишдир. Халқни, миллатни минг йиллар давомида шаклланиб келган юксак мақомидан айириш учун у баҳра олиб турган илдизларга болта уриш кифоя экан. Шунда у ўз-ўзидан ривожини, кўркамлигини йўқотибгина қолмай, бир замонлар ўзининг нақадар гуркираб ўсганлигини, улуғвор қомати ва салоҳияти, бутун борлиғини ҳам унутар экан.

Бўлмасам, шундай улуғ мўъжизалар манбаи бўлган тилимиз, инсоният тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этган ўтмишимиз — улуғ аждодлар мероси, маънавий қадриятларимиз тупроққа қорилармиди? Лекин тупроқ остидаги ҳар қандай хазина ҳам бир кун ер юзига чиқарилганидай тарих, аждодлар мероси ҳам буткул йўқолиб кетмас, халоскор, фидойи зот туфайли ноёб топилдиқ янглиғ юзага чиқаверар экан.

Аждодларимиз ақл-заковатининг нодир намуналари, миллий маданиятимиз дурдоналари, давлатчилигимиз асослари, диний қадриятларимиз Юртбошимизнинг жонкуярлиги туфайли аслига қайтиб, қаддини тиклаб, нафақат халқимиз, балки жаҳон аҳли кўз ўнгида ўзининг бор маҳобати, салобатини намоён эта бошлади.

Аввало, мустақиллик туфайли, Қаршининг қутлуғ тўйи муносабати билан олимларимиз, тарихчи ва археологларимиз томонидан олиб борилган қазишмалар чоғида топилган ноёб топилмалар, манбалар аждодларимизнинг давлатчилик асосларидан, маънавий, бой ва бетакрор илмий меросидан гувоҳлик бердики, кўҳна Насаф ёши жаҳоннинг қатор илмий марказлари, хусусан халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан эътироф этилди.

Нафақат қашқадарёликлар, балки бутун мамлакатимиз аҳли бир тану бир жон бўлиб бу тўйни муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Вилоят ҳокимлиги билан бирга бугун Қаршида қатор вазирлик ва идоралар, турли ташкилотлар, қўшни вилоятлар ҳокимликлари ҳам бу хайрли ишга бош қўшмоқда. Вилоят, шаҳар аҳли улар билан елкадош бўлганлардан мамнун.

Айтишларича, пойтахт билан бирга ободонлаштириш бўйича арча ва гулларни андижонликлар ва сурхондарёликлар келтираётган бўлсалар, янги объектлар учун хиваликлар гилам келтирмоқда. Самарқанд, Хоразм, Қўқон, Марғилоннинг қўли гул усталари, ҳунармандлари, дурадгорлари ҳам четда турмаяптилар.

Байрам дастурига мувофиқ хароба масжидлар, меъморий обидалар нафақат асл ҳолига қайтмоқда, балки янада кўҳли, гўзал қиёфа касб этмоқда. Сарғайган саҳифалар қатидаги улуғ боболар мероси, уларнинг қутлуғ номлари яна юракларга кўчмоқда.

Жаҳон олимларини ҳайратга солган ноёб топилмалар, юз йиллар давомида номлари қаттол тузумнинг «тарғибот ўйинлари» туфайли хотирамиздан ўча бошлаган ўнлаб «Насафий» тахаллусли олимлар, шоирлар, Кўк гумбаз, Одина, Хўжа Абдулазиз, Қиличбой, Бекмир, Шарофбой каби асл ҳолига қайтган масжид-мадрасалар, аждодларнинг даҳосидан хабар берувчи минг йиллик сардобалар...

Мен бу чўллар қўйнида
туғилиб топдим камол,
Кўҳна сардобаларда
қўмилиб қолди дардим...

Бу обидаларнинг бирлари кўҳна тарихимиз, аждодлар даҳоси, миллий давлатчилигимиздан гувоҳлик берса, бирлари мустабид тузумнинг қатоғон сиёсати ҳақида алам билан сўзлайди.

Бу ерга атиги уч ой келмаган одам ҳайратдан лол қолади. Беихтиёр «Бормисан истиқлол, берган неъматингга, кўрсатган кунларингга, юборган халоскорингга шукр!» деб юборади. Бугун Одина мажмуасида ташкил этилган даргоҳнинг «Ўзликни англаш маркази» деб номланишида ҳам катта маъно бор.

Мажмуа, айниқса, ёшлар билан гавжумлиги бизни тўлқинлантириб юборди. Йўқ, улар томошага эмас, ҳашарга келганлар экан.

— Хорманглар, қаерда ўқийсизлар? — деган саволимизга улар:

— Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти талабаларимиз, — деб жавоб беришди.

— Бизлар ҳар куни тонг отиши билан бу ерга шошиламиз, қўлимиздан келганича усталарга ёрдам берамиз, супуриб-сидирамиз. Биз учун бу ерни супуриш фахр, бундай азиз ва муқаддас жойларда меҳнат қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Талаба ёшларнинг гапларидан мамнун бўлдик:

— Ҳа, она қизларим, агар билсангиз, шу топда қилаётган юмушларингиз учун Яратган ҳар бирингизга сочингизнинг толасидан ҳам кўпроқ савоб ёзаётир.

Тарих — улуғ мураббий. Сарғайган саҳифалар бағридаги кўҳна битикларга таяниб ер остида минг йиллар давомида кўмилиб ётган илм-маданият хазиналарини излаймиз. У аждодлар даҳоси, жасоратидан сўзлайди, бизга. Олимларимизнинг сўзларига асосланиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунгача Қашқадарё воҳасидаги 120 дан зиёд қадимги давр ва ўрта аср шаҳар ва қишлоқлари ўрнида илмий изланишлар олиб борилди. Шу билан бирга Қарши шаҳри атрофида рўйхатга олинган 123 та обидадан 59 таси милоддан аввалги ва милоднинг бошларида пайдо бўлган деб ҳисобланади. Юқори Қашқадарё ҳудудида қадимий манзилгоҳлар 400 дан ошар экан. Шулардан 100 дан ортиғи антик даврга оид экан.

XII асрда яшаб ўтган буюк олим Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб» китобида қайд этилишича, Насаф мусулмон оламининг мадина нисбати берилган 8 та шаҳрининг биридир. Олимлар ҳисобига кўра, VIII-XII асрларда Ўрта Осиёда уч минг муҳаддис олим яшаб ўтган. Шулардан 400 таси Насафда ижод қилган.

Қарши (Нахшаб, Насаф) халқимизнинг миллий озодлик кураши билан доимо боғлиқ бўлиб келган. Юнон босқинчиларига қарши курашда нахшабликлар катта жасорат кўрсатганлар. Араб истилочиларига қарши Муқанна қўзғолонининг маркази Насаф бўлган. Чингизийларга қарши Амир Темурнинг ғолибона юришининг илк манзили Қаршидир. Буни қарангки, таҳқирланган миллат шаънини кўтариш, ўзлигимизни англаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида айнан Қаршида бошланган эди.

Қарши шаҳрининг тарихий тараққиёти Бобил (Ирок), Искандария (Миср) каби жаҳондаги энг қадимги шаҳарлар ривожланишига айнан мос келар экан.

Бугун дунёнинг археолог ва тарихчиларининг аксарияти биргина Қашқадарё воҳаси ҳақида гап кетганда Навтака, Нахшаб, Сангиртепа, Узунқир, Ерқўрғон, Шуллуктепа деган номларни яхши билишади.

Буюкликдан буюклик туғилади

Қаршининг турфа дов-дарахтлар бўй кўрсатиб турган зангор кўчалари, жаннат ифори таралиб турган гулзорлари, кенг ва равон йўллари бўйлаб кетар экансиз, беихтиёр кенгайтирилиб, тамомила янгича кўриниш касб этган «Амир Темур», «Мустақиллик», «Ўзбекистон», «Насаф», «Жайҳун» кўчаларини тўлдириб ўтаётган машиналарга кўзингиз тушади. «Нексия», «Дамас», «Ласетти»...

Бир ҳамроҳимиз савол беради:

— Қарши кўчаларида шахсий машиналар анча кўпайибдими?

— Албатта, сезибсиза, бу йил биргина косонлик фермерлардан яна 22 таси «Ласетти» олди.

Мустақиллик туфайли ер чинакам эгасига топширилди. Қашқадарёлик фермерлар ҳам бири боғ-роғлар яратса, бошқаси пахта-ғалла экиб, деҳқончилик қилмоқда, яна бири чорвачилик билан шуғулланса, бошқаси паррандачилик билан машғул. Тадбиркорларни-ку қўяверасиз. Бугун мамлакатимизда шундай бир тизим яратилдики, унда меҳнат қилган одам албатта бой бўлади, турмуши фаровон бўлади. Бугунга келиб вилоятда 26584 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил қилиш, улар даромадини ошириш мақсадида 2006 йилнинг ўтган даврида 39 минг ўрнига салкам 60 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги фермер ёнилғини ҳам, ўғитни ҳам ҳуда-беҳуда исроф қилавермайди, у яхшигина иқтисодчига айланди. Сарф қанча, даромад қанча бўлади, олдиндан хомчўтлаб чиқади. Буни қашқадарёлик деҳқонлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Буни қарангки, биргина шу йилнинг 9 ойи давомида қишлоқ хўжалигида уруғдан 1 миллиард, ёқилғидан 2 миллиард, минерал ўғитдан эса 2,4 миллиард сўм иқтисод қилибди азаматлар. Энг муҳими, бу тежамкорлик ҳосил чўғига заррача таъсир кўрсатмаган, аксинча ҳосил миқдори ўтган йилдагидан ортса ортганки, кам бўлмаган.

Яқин ҳамроҳлар ила шаҳарни кезамиз: ана янгидан таъмирланган Мустақиллик майдони, вилоят ҳокимлиги биноси, 1200 ўринли Олимпия заҳиралари коллежи, бетакрор ёпиқ спорт манежи, 15 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Болалар боғи, Амфитеатр, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари... Беихтиёр ғурурланиб кетасиз.

Бугун айниқса шаҳарда маърифат масканлари, эл-юрт саломатлиги, фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар кўламидан ҳайратланасиз. Инвестиция дастурига мувофиқ 2005-2006 йилларда 47 та мактаб янгидан қурилибди. 52 та мактаб капитал реконструкция, 87 та мактаб эса капитал таъмирланибди. 14 та янги касб-ҳунар коллежи ўқувчилар ихтиёрига берилибди. 24 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилибди, 667,3 км. газ, 539,2 км. сув қувурлари тортилиб, чекка қишлоқлар аҳлига табиий газ ва ичимлик суви етказиб берилибди. Коммунал хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтирилган тадбирларнинг давоми сифатида шаҳарнинг 12 та маҳалласида газ ва 13 та маҳалласида ичимлик суви тармоқлари тортиш ишлари амалга оширилибди...

Бу каби хайрли ишлардан албатта, тадбиркорлар ҳам четда турганлари йўқ. Улар томонидан Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан 7 та меҳмонхона, 12 та умумий овқатланиш, 30 та савдо ва 17 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилибди. Жажжи фарзандларимиз учун эса алоҳида совға тайёрланибди. «Болалар боғи» билан бирга шу йилнинг 9 ойи давомида 18 та болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилибди. Тўйга тўёна билан, деганлари шу-да.

Қаршида нуроний оқсоқоллардан бири қизиқ воқеани гапириб қолди. Бир неча йиллар аввал юртимизга, шу жумладан Қаршига келган бир олим мамлакатимизда, бу кўҳна ва навқирон шаҳримизда бўлган ўзгаришлардан ҳайратланиб, шундай деб қолибди:

— Ажабо, уч йилда шунча ўзгариш, шунча қурилиш! Мен бу ўзгаришлар фақат мамлакатингиз пойтахти — Тошкент шаҳрида бўлаяпти деб ўйлагандим. Чунки Тошкентга, айниқса Мустақиллик майдонига келиб кўзларимга ишонмай қолгандим. Қаршининг тамомила ўзгариб кетганидан ҳайратга тушдим. Ҳокимлик ва бошқа ташкилотлар қурган биноларку тушунарли, аммо одамларнинг муҳташам қилиб қурилган шахсий уй-жойларини айтмайсизми? Агар шу кетишда бўлса яқин йиллар ичида тамомила мамлакатингиз юксалиб кетади. Нима, катта хазина топганмисизлар? Бунча маблағни қаердан оляпсизлар?

Бу гаплардан биз қизиқиб, бетоқатлик билан оқсоқолдан сўрадик:

— Хўш, сиз нима деб жавоб бердингиз?

— Э, нима деб жавоб берардим, гапнинг дангалини айтдим-да, — деди оқсоқол жилмайиб. — Шеррнинг боласидан шер туғилади. Демак, Буюклик ҳам буюкликдан туғилади-да. Мана, бизнинг энг катта бойлигимиз, деб Юртбошимизнинг суратини кўрсатдим. У сўзларимни эшитиб ҳаяжонланиб кетди, мени меҳр билан маҳкам қучоқлаб олди...

Ҳа, Қаршидаги улуғ ишлар туфайли аждодлар руҳи ором топмоқда. Ўтганлар аввало, халқимиз, миллатимизни озодлик ва бунёдкорлик йўлига бошлаган, миллионлаб қалбларда фахр, ифтихор туйғуларини уйғотиб, халқни қудратли тўлқинга айлантира олган истиқлол меъморидан, авлодлардан ризо бўлмоқда. Аждодлар ризолигини топган юрт эса ҳамиша обод бўлган.

Ўтди асрларнинг карвони бундан,
Бошланмиш улуғлар даврони бундан,
Халоскор Темурбек изидан бориб,
Чиқди истиқлолнинг сарбони бундан.

Абдулла ОРИПОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Минҳожиддин МИРЗО, Шуҳрат ЖАББОРОВ.
Қарши, 2006 йил 24 октябрь.



Асрий обидалар аввалгидан ҳам кўркам қиёфа касб этди.

«Ойдин» маҳалла гузари — серфайз маскан.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИ 2007 ЙИЛДА БЕРИЛАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИГА ТАВСИЯНОМАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛНИНГ 25 ОКТЯБРИДАН 2007 ЙИЛНИНГ 25 ЯНВАРИГАЧА БЕЛГИЛАНГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- *республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илғор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);*
- *республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илғор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).*

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- *ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеърий, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиётининг энг нодир асарларини хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);*
- *замонавий ўзбек адабиёти ривожида муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларини ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).*

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- *республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);*
- *республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).*

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қоидага кўра, битта шахсга берилади. Давлат мукофотига тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотига ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига кўрсатилаётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадиий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Мусиқа, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтгач, тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот томонидан тавсия хати ёзилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- *муаллиф (муаллифлар жамоаси учун – ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбо тартибида кўрсатилади);*
- *ишнинг номи;*
- *ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга ошириш қўлами;*
- *унинг тугалланган, нашр қилинган, қурилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.*

Тавсиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдагина хатни раҳбарнинг ўринбосари имзолайди.

Тавсиянома хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- *ишни тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;*
- *ишнинг қаерда амалга оширилгани, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жиҳатдан тавсифи қайд этилган ҳолда қисқача мазмуни (ҳажми 10 саҳифадан ошмаслиги, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак).*

Агар мукофотга тавсия этилган тадқиқот иши буюртмага кўра бажарилган бўлса, буюртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим.

- *муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга қўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;*
- *ҳар бир муаллиф учун 4х6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ходимларни ҳисобга олиш варақаси ҳамда маълумотнома (электрон варианти билан);*
- *қўшимча 4 дона 4х6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;*
- *илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарсликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қурилган иморатлар ва ихтироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоальбом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.*

Эслатма: *таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосалари илова қилинади.*

Мукофотга тавсия этилган иш ва унга оид ҳужжатлар уч нусхада топширилиши керак.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳар бир нусхалари йиғмаси алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий, адабий, бадиий асарлар ёки алоҳида муқоваланган ишининг баёнидан бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин:
Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:
700047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов к., 70-уй, 320-хона. Тел.: (371) 133-59-46.
Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:
700129, Тошкент ш., А.Навоий к., 30-уй, 1-қават, 17-хона.
Тел.: (371) 139-49-57, 144-31-90.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.



Азиз ватандошлар!

Улуғ айём – Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон халқини муборакбод этамиз! Барчага мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-тотувлик ва фаровонлик тилаймиз. Эзгу ниятларингиз доимо амалга ошсин!

МТС жамоаси

МТС

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

Америка Қўшма Штатлари Элчихонаси
Тошкент, Ўзбекистон

РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН!

АМЕРИКА ХАЛҚИ НОМИДАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЭЛЧИХОНАСИ СИЗНИ РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

УШБУ БАЙРАМНИ ОИЛАНГИЗ БИЛАН СОҒУ САЛОМАТ ВА КАТТА ШОДИЁНА ИЛА НИШОНЛАШИНГИЗНИ ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ.

CONGRATULATIONS ON THE OCCASION OF RAMADAN HAYIT!

ON BEHALF OF THE AMERICAN PEOPLE, THE EMBASSY OF THE UNITED STATES CONGRATULATES YOU ON THE OCCASION OF RAMADAN HAYIT. WE HOPE THAT YOU AND YOUR FAMILY CELEBRATE THE HOLIDAY WITH GREAT HAPPINESS AND IN GOOD HEALTH!

Она тилим — жону дилим

Шайхонтоҳур туманидаги 320-мактабда «Она тилим — жону дилим» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Кечада Ўзбекистон Миллий университетининг амалиётчи талабалари ва ўқувчилар ижросидаги куй-қўшиқлар ва чиқишларда она тилимиз улуғланди.

— Тилга эътибор — элга эътибор, деб бежиз айтилмаган, — дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Тўрабек Мусаев. — Она тилимизни эъзозлашни болаликданоқ фарзандлар онгига сингдириш даркор.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯГОНА РАСМИЙ ДИЛЕР
Тошкент шаҳридаги омборхонадан тақдим этади

«СКАД» РУСУМЛИ ҚУЙМА АЛЮМИН ДИСКЛАРИ
(Красноярск)

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс (998 71) 191-74-63

Тўлов пул ўтказиш ёки нақд пул билан

Маҳсулот сертификатланган

КОГОНЛИКЛАР — ҒОЛИБ

Табиат ва биз

Бухоро шаҳридаги Ўқувчилар саройида ёш авлодни табиатга меҳр руҳида тарбиялаш, уларда экологик маданиятни шакллантириш мақсадида ўтказилаётган "Болалар ва сув" республика экофестивалининг вилоят босқичи якунланди.

Тадбир шартларига кўра, иштирокчилар ер юзида ҳаёт манбаи бўлмиш – сув мавзуида расмлар чизиб, саҳна кўринишларини намойиш этди.

Оби ҳаётдан оқилона фойдаланиш борасидаги тушунчаю тасаввурларини санъат воситасида ўзига хос жозибали, бадиий ва таъсирчан ифодалай олган Когон шаҳар Ўқувчилар ижодиёт маркази қошидаги "Экосан" бўлимининг "Чашма" гуруҳи энг юқори баҳо олиб, танлов ғолиби бўлди.

Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий илмий кенгаши иш фаолияти 2006 йил 28 сентябрдан бошлаб тугатилди. ОКПО коди — 02027173. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади:
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 12 уй, тел: 142-17-73.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Viniad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (199871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (199871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Футбол

Чемпион аниқ, иккинчи ўрин учун кураш давом этади

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионатининг 28-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Фарғонада «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари майдонга тушдилар. Учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Бу натижа жорий йил ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлаган «Пахтакор»га еттинчи бор мамлакат чемпионлигини қўлга киритишга кифоя қилди.

Энди чемпионатда кумуш медаллар учун кураш қизғин давом этиши аниқ. Чунки иккинчи ўрин соҳиби Осиё чемпионлари лигасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ушбу турда фарғоналик футболчиларнинг энг яқин таъқибчиси, «Насаф» Бекободда «Металлург»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз мавқеини анча яхшилаб олди. Олий лига билан хайрлашиш масаласини аллақачон ҳал қилиб қўйган «Хоразм» Наманганда «Навбаҳор» жамоаси билан учрашиб, ўз дарвозасидан ўнта жавобсиз тўп ўтказиб юборди.

28-турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал»—«Бухоро» 1:1, «Тўпаланг»—«Сўғдиёна»3:1, «Шўртан»—«Локомотив» 2:1, «Трактор»—«Андижон» 3:2, «Самарқанд-Динамо»—«Қизилқум» 1:1 .

Турнир жадвалини муддатидан олдин чемпионликни қўлга киритган «Пахтакор» жамоаси 74 очко билан бошқариб турибди. «Нефтчи» 65 очко билан иккинчи, «Насаф» жамоаси эса 64 очко жамғариб, учинчи ўринда бормоқда. Ўз майдонида «Бухоро» билан дуранг ўйнаган «Машъал» бу мавсум совриндорлар сафидан жой ололмайдиган бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сиз уни танийсиз

Набирам телевизорда «Оқшом эртаклари»ни томоша қила туриб сўраб қолди:
— Бобо, мана шу отахон ўртоғингиз-а?
— Ҳа, бўтам, нима эди?
— Нега улар ҳақида газетага ёзмайсиз?
Ўйланиб қолдим. Чиндан ҳам Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов билан кўп йиллик қадрдонмиз. Ёшлигимиз деярли бирга ўтган. Болаликнинг барча қувончу ташвишларини ёнма-ён бошдан кечирдик. Узоқ-яқин сафарларда бирга бўламиз, дам оламиз. Қадрдоним ҳақида кўплаб журналистлар, театршунослар томонидан ёзилган мақолаларни қидириб, қизиқиб ўқийман. Шунда ҳам хаёлимга «Файзулла аканинг ҳаёти билан яхши таниш бўлмаганлар у ҳақда ёзади-ю, нега мен ёзмайман?» деган фикр келмабди.



Файзулла АҲМЕДОВ:

«ОРЗУДАГИ РОЛИМНИ ҲАЛИ ЎЙНАГАНИМ ЙЎҚ»

Шу мулоҳазани Файзулла аканинг ўзига айтганимда, «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ-да» деб кулиб қўйди. Қарорим қатъийлигини эшиттач, ноилож розилик берди. Шунда ҳам иччам, камтарона ёзиш шарти билан.

— Қани, бошланг бўлмаса, дейман кулиб.

— Нимани бошлайман? Сардафтаримни варақлаш нияти сизда туғилди. Шундай экан, сўранг, мен жавоб берай.

— Ҳаётингиз, ўйнаган ролларингиз...

— Билмагандек гапирасиз-а. Деҳқон боласидан чиққан санъаткорнинг ўтмиши нима бўларди. Қишлоқ, дала, ер, кетмонга ошно бўлиб улғайдим. Ўқидим, ота-онамнинг қистови билан уйландим. Ҳозир тўрт ўғил, уч қизнинг отаси, 20 га яқин набира, бир чеваранинг бобосиман. Ярим асрдан бери Муқимий номли мусиқали театрда ишлайман. Турли спектаклларда катта-кичик роллар ўйнадим. Уларни санасам, саноқдан адашаман. Оллоҳга шукур, етмиш ёшни қоралаган бўлсам ҳам бардам, бақувватман, ишлаб турибман. Бўлдими, яна нима?

— Бу Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов учун жуда кам. Биламиз, кичкинтойлар сизни «Доно бува», «Эртакчи чол» қиёфасида, ўрта ёшлилар «Алишер Навоий» ва «Кўнгил кўчалари» кўп қисмли телевизион фильмларидаги «Найчи бобо» ва Ориф ота, кексалар «Минг бир ривоят» кўрсатувидаги донишманд устоз сифатида танишади. Лекин аёллар қай хусусиятингизни ва қайси образингизни кўпроқ ёқтиришади? Шуниси бизга бироз қоронғу.

— Буниси ўзим учун ҳам муаммо. Бу жумбоқни ечиш қўлимдан келмади. Келинг, яхшиси, шуниси сирлигича бўлиб қола қолсин. Шундай дейман-у, бари-бир касални яширсанг, иситмаси ошкора қилиб турарканда. Турли учрашувларда томошабинлар ҳам шунга ўхшаш тагдор савол беришади. «Кўнгил кўчалари» видеофильмида сиз ўйнаган Ориф отанинг образи ҳаётингиздан олинганми? Чиндан ҳам қўш хотинлимисиз?» деб сўрашади. Мен ҳамиша уларга «Фильмда икки хотинли тўлатўкис эрлигим рост. Лекин бисотимда биттагина аёлим бор эди. Унга ҳам кўз тегди. Пешонамга сиғмади. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, бундан уч-тўрт йил муқаддам вафот этди. «Тилда икки хотинлик аслида эса ҳозир бўйдоқман» дейман.

— Кўпинча сизни машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳоновга ўхшатишади.

— Бошқа-бошқа театрларда ишласак-да, мен бу табаррук инсоннинг дуосини кўп олганман. «Олтин олма, дуо ол», деганлари шу бўлса керак-да. Шукур аканинг қайсидир бир юбилейида «Ер фарзанди» фильмида устоз яратган Ялангтўш қиёфасида чиқиб, у кишини табриклаганман. Шу-шу қаерда кўришсак, Шукур ака менга: «Ҳа, Муқимий театрининг Ялангтўши» деб елкамга қоқиб қўярдилар.

— Сиз нафақат Шукур Бурҳонов, балки Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Рауф Болтаев, Ҳамза Умаров сингари кўплаб устоз-санъаткорлардан саҳна сирларини ўрганган, улар билан ҳамнафас бўлиб, дуоларини олган инсонсиз. Кечаги шогирд Файзулла Аҳмедовнинг ўзи бугун устоз санъаткор. Ҳозир театрда шогирдларингиз кўп бўлса керак?

— Ҳазрат Навоий «Ҳамса»нинг «Фарҳод ва Ширин»га бағишланган қисмида «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққами кетгумдир охир» деган эканлар. Зеро, мен актёрликни касб-ҳунар эмас, балки қисмат, тақдир деб тушунсам-да, қўлимдан келганча барча кўрган-билганларимни, яна ҳам тўғроғи, бор бисотимни ёш истеъдодларга беришга ҳаракат қиламан. Ким мени устоз деб тан олади, ким аксинча. Буниси менга қоронғу. Ёши улуғ санъаткор сифатида уларга ҳамиша бир нарсани таъкидлайман: санъаткор бўламан деган одам бошқа касбдагиларга нисбатан ҳаётда кўп нарсадан воз кечиши керак. Сабаби, санъат ахлининг иш куни, дам олиш вақти ҳеч қачон аниқ бўлган эмас. Бизнинг соҳамизда, аввало, Яратгандан, ҳеч бўлмаса, тарикдек истеъдод ато этилган бўлиши лозим, қолгани эса меҳнат. Эзмаликка йўймасангиз, шу ўринда бир мисол келтирсам.

— Бажонидил, эшитамиз.

— 1959 йили раҳматли кеннойингиз Наимахонга уйланадиган бўлдим. Тўй кунини атайлаб театр жамоасининг дам олиш кунига белгиладик. Баайни никоҳ куни Францияда бир гуруҳ меҳмонлар келиб, театримизга ташриф буюриш истагини билдиришибди. Навбатдан ташқари спектакль қўйиладиган бўлиб қолди. Худди шу асарда менинг ролим бор. Театр раҳбарияти «чопар» ёллаб, «Тез етиб келинг, роль ўйнайсиз» деган мазмунда хатча йўллашибди. Никоҳ кечасини орқага суришнинг иложи йўқ. Бир томонда карнай-сурнай, қўшноғоранинг бакабанги авжида. Камина куёв либосида. Шу аҳволда ноилож театрга югурдим. Раҳбариятга аҳволни тушунтириб, амаллаб уларни мен ҳоли бўлган бошқа бир спектакль ўйналишига кўндирдим. Уйга қайтиб келсам, келинникига бориш учун ҳамма машинадан жой олиб, қочоқ куёвни пойлаб ўтиришибди.

— Кўп сонли газетхонларни Файзулла Аҳмедовнинг санъатга кириб келиши, ўйнаган роллари, орзу-истаклари қизиқтириши, шубҳасиз.

— Бунинг тарихи бироз узунроқ-да, майлими? Санъатга кириб келишим қизиқ бўлган. Ўрта мактабни битиргач, падаримиз сўрадилар: «Хўш, ўғлим, энди қайси институтга кирмоқчисиз?» Мен аллақачон санъат институтини танлаб бўлган эдим. «Йўқ, — дедилар отамиз менинг фикримни эшита туриб, — бизнинг авлодимиздан артист чиқмаган. Сиз бошқа касбни тангланг».

Ота сўзи — амривожиб. Гап қайтариш одобдан эмас. Кўзим ёшли, дилим доғли кайфиятда истар-истамас Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳужжатларимни топширдим. Одатда, талабалар кириш имтиҳонларидан қандай қилиб бўлмасин омон-эсон ўтиб олишга ҳаракат қилишади. Менда эса аксинча. Девонанинг ишини худо ўнглаб, институтга кириш иштиёқида қанча югуриб-елиб юрганлар қолиб, мен барча синовлардан муваффақиятли ўтиб кетдим. Икки йил ўқидим. Лекин учинчи курсга ўтганимда барибир институтни тарк этдим. Санъат домига тортгандан тортаверди. Мендаги интилишни кўриб, кейинчалик уйдагилар ҳам розилик беришди. Ўша йили ҳам санъат институтига, ҳам Муқимий театрига қабул қилиндим. Бугун ҳисоблаб кўрсам, мана, шунга ҳам роса 50 йил бўлибди. Шу давр мобайнида юздан ортиқ ролларни ижро этдим. Улардан баъзиларини санаб ўтишим мумкин. «Жон қизлар»даги Султон роли билан театрдаги асосий фаолиятимни бошлаганман. «Тошболта тадбиркор»да Тошболта, «Олифта», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Ёшликда берган кўнгил», «Нурхон», «Ватан ишқи», «Равшан ва Зулҳумор», «Фотима ва Зуҳра», «Суперқайнона», «Пари қишлоқ афсонаси» каби спектакларда катта-кичик образлар устида ишладим. Қайсинисидандир кўнглим тўлди, қайсинисидан йўқ. Театрдаги фаолиятимни кино санъати билан бирга олиб борганман. Бир қатор кинолларда ўзига хос ролларни бажардим.

— Билишимча, дубляж санъати ҳам ижодингизда муҳим роль ўйнайди.

— Дубляж — мураккаб санъат. У актёрнинг тилини қайрайди, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, яъни йиғидан кулгига, кулгидан йиғига ўтишга ўргатади. Масалан, ўзбек деҳқонига ўзига хос, рус ишчисига ўз характеридан келиб чиқиб овоз берилади. Бу даргоҳга мени етаклаган устозим, раҳматли Ҳамза Умаров бўлади.

— Орзу-истакларингиз хусусидаги савол ҳамон жавобсиз қоляпти?

— Орзулар кўп, азизим. Осмони тинч, эли фаровон юртнинг байрамлари кўп бўлади. Яқинда пахтакорларимиз йиллик режани бажаришгани ҳақида рапорт беришди. Бу ҳам бир байрам. Хоразмда Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари тобора яқинлашиб келяпти. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг катта байрами. Насиб этса, шу тантаналарда қатнашиш ниятим бор. Яқинда Истиқлолимизнинг 15 йиллиги олдидан бир гуруҳ олим ва журналистлар сафида Қашқадарё сафарида бўлиб қайтдим. Қани энди, шу зиёратчиларнинг барча қирраларини бўй-басти билан очиб берувчи асарлар бўлса-ю, унда бош роль — бугунги бободеҳқон образини яратсам, дейман.

— Демак, Файзулла Аҳмедов саҳнада ҳали ўзи истаган асосий ролни ижро этганича йўқ. Ҳаммаси олдинда, шундайми?

— Ҳа, худди шундай. Ўзингиз кўз олдингизга бир келтиринг. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонладик. Истиқлол эълон қилинган йили туғилган фарзанду аржумандларимиз бугун йигит ёшига яқинлашяпти. Шаҳар ва қишлоқлардаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб, ақлинг шошади. Ўтган йиллар мобайнида биргина Тошкентимизнинг ўзида озмунча бунёдкорлик ишлари амалга оширилдими? Истиқлолимизнинг бир йили неча ўн йилларга, ўтган қисқа даврда эришган ютуқларимиз неча юз йилларга тенглиги баралла айтилиб турган бир пайтда ҳали-ҳамон биз, санъат аҳли ва драматурглар шу вақтгача ҳамкорликда замон кишисининг тўлақонли образини яратмаганимизни кечириб бўладими? Тўғри, бу хусусда асарлар йўқ эмас, бор. Лекин бу ўринларимиз бугунги кун талабига тўла жавоб бера олади, дея олмаймиз. Кўриб турибсизки «Истиқлол менга нима берди?» деган саволга ҳар биримиз юзлаб ижобий жавобни беришга тайёрмиз.

Ўзбекистон радиосидаги қайсидир бир чиқишимда бир муаллифнинг «Туронбобо монологи» деган шеърини ўқиганман. Ҳар замон шеърнинг эсимда қолган баъзи сатрларини такрорлаб тураман. Назаримда, у юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳангдек туюлади:

Мен жуда узоқ яшадим,
Турон деб аталмиш
маҳрур боғримда
Эркаланиб ўсди
неча мард авлод...
— 91-йил ёзнинг адоғи,
қуллик, мутелик асоратидан
Ғафлат босиб,
мудраб ётганда ҳамма
Минбарга чиқди-да
жасур мард ўғлон
«Ўзбекистон мустақил»
деб қилди эълон.
Ўн беш йилки,
эсар ҳурлик шамоли,
Ўн беш йилки, шодман,
қувончдан лолман.
Минг йиллар боғримда
битган жароҳат
Изсиз йўқолмоқда,
мен бахтиёрман.

Бахт ва бахтиёрлик кунларимиз ҳамиша боқий бўлсин, азизим.

— Шу сўзларингиз билан навбатдаги саволга ўзингиз йўл очиб бердингиз. Ҳар бир кишининг ҳаётда озми-кўпми эсда қоладиган бахтли кунлари бўлади. Сизнинг бахтли кунларингиз кўп бўлганми? Умуман, сиз бахт тушунчасига қандай қарайсиз?

— Худди шу саволни мен сизга бермоқчиман.

— Гап бу ерда мен ҳақимда эмас, Файзулла Аҳмедов ҳақида кетяпти.

— Кемага тушганнинг жони бир, укам. Сиз менинг сардафтаримни кавласангиз майли-ю, Сизники сирлигича қолсинми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Менинг назаримда, сиз ҳам ўзингизни бахтлилар сафига киритсангиз керак.

— Сабаб?

— Сабаби шундаки, сиз ҳам қирқ йиллик фаолиятингиз давомида росмана бир йигитнинг умр бўйи қиладиган ишини қилиб қўйдингиз. Турли мавзуларда ёзган мақолаларингизнинг ўзи жамланса, бир неча жилд асар бўлади. Демак, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Комилжоновнинг хизматлари ҳам ўзгаларникидан кам эмас. Шундай экан, сизни бахтли инсон демай бўладими?

Минг шукур, тангри таолодан миннатдорман. Сабаби, бахтли кунларим жуда кўп бўлган. Лекин ўша кунлар орасида ҳам энг муҳими ва унутилмаси бўлади. Менинг унутилмас куним — Юртбошимиз Ислом Каримовнинг қўлларидан «Меҳнат шуҳрати» орденини олган куним. Бу сардафтаримнинг биринчи саҳифасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

— Сўнгги савол. Айтингчи, ҳаётингизни бошқатдан бошласангиз, яна санъат йўлини танлармидингиз?

— Шубҳасиз. Театр — менинг ҳаётим. 50 йил шу қутлуғ даргоҳ тупроғини яладим. Бахтимни санъатдан топдим. Устоз Шукур Бурҳоновнинг «Шу йўлдан келибман, шу йўлдан кетай» деган сўзи бор. Илоҳим, менга ҳам шундай тақдир насиб этсин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

***СУРАТДА:** Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Комилжонов.*

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

«МЕҲРИГИЁ» КИЧИК КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ

шуни маълум қиладики, ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотлар:

«РОМАШКА С ЦЕЛЕБНЫМИ ТРАВАМИ» — серия 04.02.2006;
«ПОЧЕЧНЫЙ. БУЙРАКЛАР УЧУН ЧОЙ» — серия 06.02.2006;
«ЧАЙ ШИПОВНИК» — серия 30.01.2006

ёрлиғланиш кўрсаткичлари бўйича техник талабларга жавоб бермаслиги туфайли, яроксиз деб топилган. Шу муносабат билан корхона бу маҳсулотларни истеъмолчи ва фирма ташкилотлардан қайтаришларини сўрайди.

Қайтариб олинган маҳсулотга ҳисоб-китоб қилинади ёки бошқасига алмаштириб берилади. Эътирозлар 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, Ўрозмерган қишлоғи. Тел.: 8 (373) 55-2-09-63. Моб.: (8-373) 558-09-63.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз — ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банкнинг марказий идораси бошқарма бошлиғи Акбар Даминовга падари бузруквори
Миркомил Темирхон ўғли ДАМИНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзғўштсутсаноат» уюшмаси жамоаси ва раҳбарияти «Урганчсут» масъулияти чекланган жамияти раиси Наврўз Авезовга волидаси
Раъно ОТАЖОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлиқ компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.25 23456